



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 16» aprel

№ 204

Toshkent sh.

Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Истеъмолчиларни ёқилғи-энергетика ресурслари билан ишончли тарзда таъминлаш, аҳоли хонадонларида қайта тикланувчи энергия манбалари ўрнатилишини ва энергия тежовчи технологиялар кенг жорий этилишини рағбатлантириш, ёқилғи-энергетика ресурслари нархларининг шаклланишини босқичма-босқич бозор тамойилларига ўтказишни давом эттириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

2024-2025 йилларда ёқилғи-энергетика ресурслари нархларининг босқичма-босқич ўзгариш графиги 1-иловага мувофиқ;

2024 йил 1 майдан аҳоли учун электр энергияси ва табиий газ бир ойлик истеъмолининг “**базавий меъёрлари**” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси **2024 йил 1 майга қадар:**

табиий газ ва электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш, сотиш ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш тарифларини;

электр ва иссиқлик энергияси, шунингдек, табиий газ истеъмолчилари ва улгуржи қайта сотувчилардан тушадиган маблағларни тақсимлаш тартибини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Статистика агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ёқилғи-энергетика ресурслари нархлари ўзгариши муносабати билан айрим тоифадаги истеъмолчиларга таъсирни юмшатишга қаратилган қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Статистика агентлиги томонидан 2024 йил 1 майга қадар ёқилғи-энергетика ресурслари нархлари ошишини ҳисобга олган ҳолда **минимал истеъмол харажатлари қийматини** қайта кўриб чиқиш ва эълон қилиш;

б) қуйидаги тоифадаги истеъмолчилар (кейинги ўринларда – эҳтиёжманд оилалар) учун юзага келиши мумкин бўлган қўшимча харажатларни қоплаш бўйича вақтинча компенсация (кейинги ўринларда – компенсация) жорий этиш:

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оилалар, болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчи оилалар (кейинги ўринларда – Ягона реестрга киритилган оилалар);

Ягона реестрга киритилмаган, “маҳалла еттилиги” хулосаси асосида аниқланадиган қўшимча эҳтиёжманд оилалар. Бунда:

“маҳалла еттилиги” томонидан шакллантирилган қўшимча рўйхатдаги эҳтиёжманд оилалар сони тегишли маҳалладаги Ягона реестрга киритилган оилалар сонининг 15 фоизидан ошмаслиги керак;

туман (шаҳар) ҳокимликлари тегишли туман (шаҳар) бўйича Ягона реестрга киритилган оилалар сонининг 15 фоизидан ошмаган ҳолда, маҳаллалар кесимидаги эҳтиёжманд оилалар қўшимча рўйхатига ўзгартириш киритиши мумкин.

4. Белгилансинки, **иситиш мавсумида** (ноябрь – февраль ойларида) эҳтиёжманд оилаларга қуйидаги **компенсация турлари** тақдим этилади:

а) Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги АТ “Халқ банки” билан бирга ноябрь ойида **270 минг сўм** миқдорида бир марталик моддий ёрдам ўтказиб берилади;

б) электр энергияси ва табиий газ бўйича қуйидаги миқдорлардаги истеъмол учун базавий меъёр доирасидаги ҳамда базавий меъёрдан ошган нархлар ўртасидаги фарқ компенсация қилиб берилади:

табиий газ учун – ойига базавий меъёрдан ортиқ фойдаланилган **250 куб метргача**;

электр энергияси учун – ойига базавий меъёрдан ортиқ фойдаланилган **150 кВт соатгача**.

Бунда:

ушбу бандда назарда тутилган компенсация тўловлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги орқали тўлаб берилади;

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларидаги эҳтиёжманд оилалар учун тўловлар октябрь ойидан бошлаб амалга оширилади.

5. Эҳтиёжманд оилалар рўйхатини шакллантириш ва уларга табиий газ ҳамда электр энергияси харажатларининг базавий меъёрдан ортиқ истеъмол қилган қисмига компенсация **3-иловадаги** схемага мувофиқ тўлаб берилади.

6. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда “маҳалла еттилиги” томонидан эҳтиёжманд оилалар рўйхати тўғри шакллантирилиши ва ўз вақтида “Инсон” ижтимоий хизмат марказларига тақдим этилишини таъминласин.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

2024 йил 1 октябрга қадар компенсация тўловлари учун зарур бўлган маблағларни Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига ажратиш чораларини кўрсин;

2024 йил 1 майга қадар минимал истеъмол харажатлар миқдори ўзгариши муносабати билан энг кам пенсия ва нафақа миқдорларини қайта кўриб чиқиш бўйича таклиф киритсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари АТ “Халқ банки” билан биргаликда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан тақдим этилган рўйхатга мувофиқ **2024 йил 1 ноябрга қадар** банк пластик картаси мавжуд бўлмаган эҳтиёжманд оилалар вакилига бепул асосда пластик карталар очиб берилишини таъминласин.

9. Энергетика вазирлиги, “Худудий электр тармоқлари” АЖ ҳамда “Худудгазтаъминот” АЖ:

2024 йил 1 июндан бошлаб фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ бўйича ойлик маълумот “базавий меъёр” ва ундан ортиқ ҳажмлар кесимида истеъмолчиларга юборилишини таъминласин;

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан биргаликда **2024 йил 1 июлга қадар** истеъмолчилар томонидан фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ бўйича маълумотларни Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ахборот тизимига узатилишини йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

10. Белгилансинки, **2024 йил 1 июлдан бошлаб** юридик шахсларга етказиб бериладиган электр энергияси ва табиий газ учун тўловлар 100 фоиз олдиндан амалга оширилади.

11. Ўзэнергоинспекция “Худудий электр тармоқлари” АЖ ҳамда “Худудгазтаъминот” АЖ билан биргаликда табиий газ ва электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларни аниқлаш бўйича амалга оширилаётган чоратадбирлар кучайтирилишини таъминласин.

12. Энергетика вазирлиги:

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси билан биргаликда **бир ой муддатда** кўмирнинг улгуржи ва чакана нархларини бозор тамойили асосида шакллантириш бўйича таклифларни;

Бош прокуратура ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** ёқилғи-энергия ресурсларидан нооқилона (ноқонуний) фойдаланганлик учун юридик шахсларга нисбатан молиявий санкцияларни жорий этиш ҳамда электр энергияси ва табиий газдан ноқонуний фойдаланиш ва талон-торож қилиш учун белгиланган тарифларга нисбатан оширувчи коэффицентни қўллаш тўғрисидаги таклифларни;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** аҳоли томонидан энергия тежамкорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Миллий телерадиокомпания **бир ҳафта** муддатда табиий газ ва электр энергияси нархларини ошириш, эҳтиёжманд оилаларга тўланадиган компенсация юзасидан оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг қамровли тарғибот-тушунтириш ишларини ташкил этсин.

14. Энергетика вазирлиги ушбу қарорга мувофиқ электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газнинг янги нархлари барча манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга етказилишини таъминласин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг “Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 15 сентябрдаги 475-сон қарорининг 1-банди биринчи хатбоши ва 1-илова 2024 йил 1 майдан эътиборан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда энергетика вазири Ж.Т. Мирзамахмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

**2024-2025 йилларда ёқилғи-энергетика ресурслари
нархларининг босқичма-босқич ўзгариш
ГРАФИГИ**

Т/р	Истеъмолчилар номи	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги учун нархлар (ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда, сўм)		
			2024 йил 1 майдан	2024 йил 1 июндан	2025 йил 1 апрелдан
I.	Электр энергияси				
	Истеъмолчиларнинг I ва II гуруҳлари:				
1.1.	а) “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ, “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ ва унинг таркибига кирувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар, бюджет ташкилотлари, шунингдек, насос станциялари истеъмол қиладиган электр энергиясининг давлат бюджетидан молиялаштириладиган қисми учун;	кВт соат	1 000	1 000	1 000
	б) қолган истеъмолчилар учун		900	900	1 000
1.2.	Истеъмолчиларнинг III гуруҳи, шу жумладан аҳоли:				
1.2.1.	Овқат тайёрлаш учун марказлашган ҳолда электр плиталари билан жиҳозланган кўп квартирали уй-жойлар ва ётоқхоналарда яшайдиган маиший истеъмолчилар учун бир ойдаги истеъмолдан келиб чиқиб: - ойига 200 кВт соатгача; - ойига 201 кВт соатдан 1 000 кВт соатгача; - ойига 1 001 кВт соатдан 5 000 кВт соатгача; - ойига 5 001 кВт соатдан 10 000 кВт соатгача; - ойига 10 001 кВт соат ва ундан юқори.		225 450 675 787,5 900	225 450 675 787,5 900	300 500 750 875 1 000
1.2.2.	Қолган маиший истеъмолчилар учун бир ойдаги истеъмолдан келиб чиқиб: - ойига 200 кВт соатгача; - ойига 201 кВт соатдан 1 000 кВт соатгача; - ойига 1 001 кВт соатдан 5 000 кВт соатгача; - ойига 5 001 кВт соатдан 10 000 кВт соатгача; - ойига 10 001 кВт соат ва ундан юқори.		450 900 1 350 1 575 1 800	600 1 000 1 500 1 750 2 000	
1.3.	Истеъмолчиларнинг IV гуруҳи		900	900	1 000
II.	Табиий газ				
2.1.	Барча истеъмолчилар учун (2.2. – 2.6. бандлардан ташқари)	куб метр	1 500	1 500	1 800

Т/р	Истеъмолчилар номи	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги учун нархлар (ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда, сўм)			
			2024 йил 1 майдан	2024 йил 1 июндан	2025 йил 1 апрелдан	
2.2.	“Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ, “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ ва унинг таркибига кирувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар, шунингдек бюджет ташкилотлари учун	куб метр	1 800	1 800	2 000	
2.3.	Автомобилларга газ тўлдириш компрессор шоҳобчалари (шу жумладан, балансида автомобилларга газ тўлдириш компрессор шоҳобчалари мавжуд бўлган юридик шахслар) учун		1 500	1 800	2 500	
2.4.	Иссиқлик электр станциялари ва иссиқлик электр марказлари учун		1 500	1 500	1 800	
2.5.	Коммунал-маиший эҳтиёжлар учун аҳолига (газни ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда):					
	а) ноябрь–февраль ойлари давомида бир ойдаги истеъмолдан келиб чиқиб: - ойига 500 куб метргача; - ойига 501 куб метрдан 2 500 куб метргача; - ойига 2 501 куб метрдан 5 000 куб метргача; - ойига 5 001 куб метрдан 10 000 куб метргача; - ойига 10 001 куб метр ва ундан юқори.		650 1 500 1 950 2 275 2 600	650 1 500 1 950 2 275 2 600	1 000 1 800 2 100 2 500 3 000	
	б) март–октябрь ойлари давомида бир ойдаги истеъмолдан келиб чиқиб: - ойига 100 куб метргача; - ойига 101 куб метрдан 2 500 куб метргача; - ойига 2 501 куб метрдан 5 000 куб метргача; - ойига 5 001 куб метрдан 10 000 куб метргача; - ойига 10 001 куб метр ва ундан юқори.		650 1 500 1 950 2 275 2 600	650 1 500 1 950 2 275 2 600	1 000 1 800 2 100 2 500 3 000	
	2.6.		Коммунал-маиший эҳтиёжлар учун аҳолига (газни ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлмаганда):			
	а) овқат тайёрлаш ва иссиқ сув таъминоти учун		1 500	1 500	1 800	
	б) иситиш учун		1 100	1 100	1 400	
III.	Маиший эҳтиёжлар учун аҳолига сотиладиган суюлтирилган газ		кг	1 600	1 600	2 000

Изоҳ. Қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган жисмоний ва юридик шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун ўрнатиладиган қуёш, шамол ва биогаз электр станцияларида ишлаб чиқарилган электр энергиясининг ўз эҳтиёжидан ортиқча қисмини давлат томонидан электр энергиясини кафолатланган тарзда харид қилиш функцияси (ваколати) берилган орган харид қилишида II тариф гуруҳи истеъмолчилари учун белгиланган нарх базаси сифатида мазкур графикнинг 1.1. банди “б” кичик бандида назарда тутилган нархлар қабул қилинади.

**2024 йил 1 майдан аҳоли учун электр энергияси
ва табиий газ бир ойлик истеъмолнинг
БАЗАВИЙ МЕЪЁРЛАРИ**

Т/р	Энергия ресурслари	Ўлчов бирлиги	Бир ойлик базавий меъёр
1	Электр энергияси	кВт соат	200
2	Табиий газ (иситиш мавсумида): а) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида: октябрь-февраль ойлари; б) бошқа ҳудудларда: ноябрь-февраль ойлари.	куб метр	500
	Табиий газ (бошқа мавсумда): а) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида: март-сентябрь ойлари; б) бошқа ҳудудларда: март – октябрь ойлари.	куб метр	100

**Эҳтиёжманд оилалар рўйхатини шакллантириш ва уларга табиий газ
хамда электр энергияси харажатларининг базавий меъёрдан ортиқ
истеъмол қилган қисмига компенсация тўлаб бериш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
I. Эҳтиёжманд оилалар рўйхатини шакллантириш			
1-босқич	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, “Инсон” ижтимоий хизмат маркази	“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига (кейинги ўринларда – Ягона реестр) киритилган оилаларнинг рўйхатини шакллантирилади ва Маҳаллалар уюшмаси туман (шаҳар) бўлимлари орқали “маҳалла еттилиги”га етказилади.	1 сентябрга қадар
2-босқич	“Маҳалла еттилиги”	Ягона реестрга кирмаган эҳтиёжманд оилалар қўшимча рўйхати шакллантирилади ва Маҳаллалар уюшмасининг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этади. <i>Бунда, шакллантирилган эҳтиёжманд оилалар сони тегишли маҳалладаги Ягона реестрга киритилган оилалар сонининг 15 фоизидан ошмаслиги керак.</i> <i>Туман (шаҳар) ҳокимликлари тегишли туман (шаҳар) бўйича Ягона реестрга киритилган оилалар сонининг 15 фоизидан олмаган ҳолда, маҳаллалар кесимидаги эҳтиёжманд оилалар қўшимча рўйхатига ўзгартириш киритиши мумкин.</i>	1 октябрга қадар
3-босқич	Маҳаллалар уюшмасининг туман (шаҳар) бўлими	Эҳтиёжманд оилаларнинг қўшимча рўйхатини умумлаштирилади ҳамда “Инсон” ижтимоий хизмат марказларига ўрганиб чиқиш учун тақдим этади.	15 октябрга қадар
4-босқич	“Инсон” ижтимоий хизмат маркази	Эҳтиёжманд оилаларнинг қўшимча рўйхатини Ягона реестр орқали текшириб чиқади ва якуний рўйхатни Маҳаллалар уюшмасининг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этади. <i>Бунда, қўшимча рўйхатдаги оилаларнинг уй-эсоя ва (ёки) автотранспорт воситалари мавжудлиги ҳамда бошқа ижтимоий тўловлар олмаслиги ўрганилади ва ушбу мезонларга мос бўлмаган оилалар рўйхатдан чиқарилади.</i>	20 октябрга қадар
5-босқич	Маҳалла уюшмаси	Эҳтиёжманд оилаларнинг қўшимча якуний рўйхатини туман (шаҳар) ҳокимлигига тасдиқлаштириб, “Инсон” ижтимоий хизмат марказига тақдим этади.	25 октябрга қадар
5-босқич	“Инсон” ижтимоий хизмат маркази	Тақдим этилган қўшимча рўйхат ва Ягона реестрга киритилган оилалардан иборат компенсация олувчи эҳтиёжманд оилалар рўйхатини шакллантирилади.	1 ноябрга қадар

II. Табиий газ ҳамда электр энергияси харажатларининг базавий меъёрдан юқори истеъмол қилган қисмига компенсация тўлаб бериш

1-босқич	Компенсация олувчи эҳтиёжманд оилалар	“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ёки маҳаллаларда фаолият юритувчи ижтимоий ходимларга мурожаат қилади. <i>Бунда, аризада паспорт маълумотлари, абонент рақами ва телефон рақами кўрсатилади.</i>	ноябрь – март ойларида <i>(ҳар ойнинг 15-санасига қадар)</i>
2-босқич	“Инсон” ижтимоий хизмат маркази	Эҳтиёжманд оиланинг маълумотини Ягона реестрга киритади.	Ариза берилган ойнинг 25-санасига қадар
3-босқич	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Худудгаз-таъминот” АЖ	Эҳтиёжманд оиланинг электр энергияси ва (ёки) табиий газ истеъмоли ҳақидаги маълумотлар “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва (ёки) “Худудгазтаъминот” АЖнинг тегишли ахборот тизимлари орқали ўрланади.	Ариза берилган ойнинг 27-санасига қадар
4-босқич	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги	Эҳтиёжманд оилалар бўйича тўлов рўйхатларини шакллантириб, АТ “Халқ банки”га юборади.	Ариза берилган ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар
5-босқич	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Эҳтиёжманд оилаларга компенсация тўлови учун зарур маблағларни АТ “Халқ банки”га ўтказиб беради.	ҳар ойнинг 5-25 санасига қадар
6-босқич	АТ “Халқ банки”	Электр энергияси ва (ёки) табиий газ истеъмолининг базавий меъёридан ошган қисми учун белгиланган тартибда компенсация тўлови банк пластик картаси орқали тўлаб беради.	Ариза берилган ойдан кейинги ойнинг 27-санасига қадар

